

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2021 йил май ойининг 19 кuni, жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг ўз биносида очик суд мажлиси бўлиб, шу суднинг раиси [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан: Давлат айблов [REDACTED] Қарши туман прокурори ўринбосари [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1802-[REDACTED]-3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи [REDACTED], 1986 йил 20 июль кuni Қарши туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Қарши тумани, "[REDACTED]" МФЙ, Дўстлик кўчаси, 12-хонадонда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2021 йил 29 апрель кuni олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, баҳолаб, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни:

а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] Қарши тумани Маъмурий судининг 04.05.2020 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқубузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, жарима жазоси тайинланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин орадан бир йил ўтмасдан туриб, 2020 йил 14 октябрь кuni соат 13:00 ларда ҳамда 2020 йилнинг 17 ноябрь кuni соат 18:10 ларда Қарши тумани, "[REDACTED]" МФЙ, Тинчлик кўчаси, 24-хонадонда яшовчи фуқаро [REDACTED] билан ўрталарида бўлган ўзаро келишовчилик сабабли, жанжаллашиб қолиб, Р.Сувонованинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уятли сўзлар билан ҳақорат қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига қисман иқrorлик билдириб, [REDACTED] билан 2011 йилда турмуш қурганлигини, ўрталарида 3 нафар фарзанди борлигини, 2019 йил охирида Қарши тумани, "[REDACTED] МФЙ" да яшовчи фуқаро [REDACTED] билан ишқий муносабатда бўлиб юрганини билиб қолганлигини, шу аёл туфайли рўзгорининг тинчлиги бузилганлигини, охир-оқибат турмуш ўртоғи фарзандларини ташлаб [REDACTED] яшаш уйига кўчиб кетганлигини, бу масалада [REDACTED] билан ўзаро тортишиб қолганлиги сабабли маъмурий жавобгарликка ҳам тортилганлигини, 2020 йил 14 октябрь кuni [REDACTED] МФЙда яшовчи опасиникига меҳмонга бораётганида йўлда қайнотасига тегишли "Дамас" русумли автомашинанинг олди ўриндиғида турмуш ўртоғи [REDACTED], ҳайдовчи ўриндиғида [REDACTED], орқада



ўриндиғига [REDACTED] ва [REDACTED] келаётганини кўрганлигини, будан жаҳли чиқиб, автомашинани тўхтатмоқчи бўлганида, [REDACTED] автомашинани унинг устига бошқариб келиб, қорин қисмидан уриб юборганлигини, натижада у йиқилиб, тан жароҳати олганлигини, шу пайт [REDACTED] ва турмуш ўртоғи [REDACTED] келиб оғизга олиб бўлмас сўзлар билан уни ҳақоратлаганлигини, у эса [REDACTED] “бировни эри билан юришга уялмисанми” деб айтганлигини, лекин уни ҳақорат қилмаганлигини, жанжал ва [REDACTED] кўзига тегишли бўлган 11 грамлик тилла тақинчоғини йўқотиб [REDACTED] налигини, оғриқ кучли бўлганлиги сабабли шифохонага борган [REDACTED], сўнг Қарши туман ИИБга ариза ёзганлигини, ушбу аризаси юзасидан уларни 2020 йил 17 ноябрь куни Қарши туман маъмурий судининг, суд мажлиси бошқа кунга қолдирилганлиги сабабли [REDACTED] билан 14 октябрдаги ҳолатга аниқлик киритиб олиш учун суд биноси ташқарисидан кутиб турганлигини, бироздан сўнг [REDACTED] онаси [REDACTED] билан бирга чиқиб келиб, уни ҳақорат қилганида, у [REDACTED] кўлидан ушламоқчи бўлганида, [REDACTED] кўлидаги шприц ичидаги суюқликни кўзига сепаиб юборганлигини, оқибатда кўзлари қизариб, оғриганлиги сабабли жаҳл устида нима деганини эслай олмаганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, судланувчи [REDACTED] 2019 йилдан буён танишини, ўзи билан савдо ишларига ҳамкорлик қиладиган [REDACTED] турмуш ўртоғи бўлишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, турмуш ўртоғини рашқ қилиши натижасида бир неча марта жанжаллашиб қолганлигини, [REDACTED] билан ўрталарида ҳеч қандай гап сўз бўлмаганлигини, [REDACTED] асосиз равишда туҳмат қилиб келганлигини, 2020 йил 14 октябрь куни [REDACTED] уларнинг уйига маккажўҳори олиб келганлигини, қайтишида ундан автомашинасини бошқаришга илтимос қилганлигини, шундан сўнг у рози бўлгач автомашинага онаси, [REDACTED] билан ўтирганлигини, чамаси 10 метрлар ҳаракатланганидан сўнг [REDACTED] келиб қолиб, автомашинани олд қисмини қўллари билан уриб, уни ҳақорат қилганлиги, улар эса жанжал катталашиб кетмаслиги учун уйига кириб кетганлигини, 2020 йил 17 ноябрь куни уни Қарши туман маъмурий судининг, суд мажлиси бошқа кунга қолдирилганлиги сабабли онаси билан суд биносидан чиқишган вақтида, [REDACTED] уни қўлларида тортиб, ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, ўлдириб юбориш билан таҳдид қилганлигини, шундан сўнг у ҳам жаҳл устида [REDACTED] ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, шу вақтда онаси [REDACTED] кўрқанидан кўлидаги дорисини ичмоқчи бўлганида кўлидан тушиб кетиб, ҳаммага сочилиб кетганилигини, профилактика инспектори [REDACTED] эса уларни ажратиб, тинчлантирганлигини, [REDACTED] ҳар хил уятли сўзлар билан уни шаъни ва қадр-қимматини камситиб ҳақорат қилганлиги сабабли уни кечирмаслигини ва унга қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] ва қўшимча гувоҳ [REDACTED] ҳам суд мажлисида жабрланувчи Р [REDACTED] кўрсатувини тасдиқлаб, уни кўрсатувига ўхшаш аналогик кўрсатув берди.



Судланувчи [REDACTED] “2020 йил 14 октябрь кундаги [REDACTED] билан ўрталарида бўлиб ўтган жанжал вақтида [REDACTED] автомашинанинг унинг устига ҳайдаганлиги сабабли тан жароҳати олганлиги шунингдек, жанжал вақтида 11 граммлик тилло тақинчоғи йўқолганлиги ҳолати юзасидан келтирилган ваздаларни муҳокама қилиб, бирор-бир далил ёки гувоҳ кўрсатувини тақдим этмаганлиги сабабли ушбу ваздаларни асоссиз ваҳ баҳолаб, важини рад қилишни лозим топди.

Судланувчи [REDACTED] айби, ўзининг суриштирув ва судда берган кўрсатувидан ташқари [REDACTED] туман маъмурий судининг 2021 йил 4 майдаги қарори, жабрланувчи ва гувоҳларнинг терговда ва суд мажлисида берган кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ёзма далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, юқорида келтирилган далилларни муҳокама қилиб, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва мавжуд кўрсатувлардан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришидан келиб чиқиб, суд уларни тўлиқ асосли ва ҳолисона деб баҳолаб, судланувчининг айбини тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] айбини муҳокама қилиб, дастлабки суриштирув органи томонидан унинг маъмурий жавобгарликка тортилганидан тегишли хулоса чиқармасдан, бир йил мабойнида такроран [REDACTED] ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини қасдан камситганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда, уларнинг шахсини, айбига қисман иқрор ва пушаймонлигини, оилавий аҳволини, ҳеч қаерда ишламаслигини ва муқаддам судланмаганлигини қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо чорасини тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 16-бандида “Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлаш имкониятидан келиб чиқиши лозим”лиги ҳақидаги тушунтиришидан келиб чиқиб, у айбли топилаётган модда санкциясида назарда тутилган турли жазолардан жарима жазоси тайинлашни, жарима миқдорида у жиноят содир этган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан (223.000 сўм) келиб чиқиб жарима жазоси тайинлашни, жаримани давлат фойдасига ундиришни, ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда судда ёзма ёки оғзаки даъво ариза киритмаганлиги сабабли келгусида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш



